VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

5 (326) ● 2015 йил 4 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси депутатлик фаолиятимиз давомида алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатларни ўзида яққол акс эттирган дастур бўлди



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди



5 МАЪНАВИЯТ

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий дунё маънавиятининг беназир сиймоларидан биридир. Зеро, у XV аср ижтимоий-сиёсий, маърифий, адабий, давлатчилик жараёнида ўзини аямай элу юртни деб жонфидолик билан фаолият кўрсатган кенг қамровли арбобдир



8 КЎЗГУ

◉ Ўқув-семинар









## Дастуриламал маърузадан муҳим хулосалар чиқарилмоқда

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент фаолиятини такомиллаштириш, парламент тузилмалари ва депутатларнинг назорат-таҳлил фаолияти, сайловчилар билан ишлаш, қонунлар ижроси ҳамда уни амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.***

Маърузада бўлиб ўтган сайлов жараёнлари ва натижалари холис баҳоланиб, мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган демократик ўзгариш ва ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатаётгани, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партияларнинг мавқеи ошиб бораётгани эътироф этилди. Парламентимиз томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислоҳотларни ҳаётимизга жорий этишда, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда муносиб ҳисса бўлгани таъкидланди. Шу билан бирга парламентнинг ўтган даврдаги фаолияти чуқур танқидий-таҳлил этилиб, келгуси фаолиятидаги устувор вазифалар белгилаб берилди, сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва ролини, ташаббускорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимизнинг дастуриламал маърузаси ҳар бир депутатнинг келгуси беш йиллик фаолияти йўналишларини аниқ ва лўнда қилиб белгилаб берди. Шу боис ҳам айни пайтда Президентимиз маърузаси сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари томонидан кенг ўрганилиб, дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

2-бет

◉ Фракция фаолияти

## Депутат фидойилиги ва ташаббускорлиги

### сайловчи ишончини оқлаш кафолатидир

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан фракциянинг келгуси фаолияти йўналишларини белгилаб олишга бағишланган ушбу йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***



Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов давлатимиз раҳбарининг маърузасида парламент ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, депутатларнинг профессионал малакаси, ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш, парламентнинг ҳаётимиздаги ўрни ва роли мустаҳкамланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

— Президентимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси ЎзМТДП фракциясининг олдига ҳам бир қатор долзарб вазифаларни қўйди. Кейинги беш йиллик фаолиятимизда асосий дастуриламал бўладиган мазкур маърузадан келиб чиққан ҳолда фракциямизнинг дастурини ишлаб чиқишимиз, унда партия Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга оширишга қаратилган таклиф ва ташаббусларимизни акс эттириб, энг муҳими, уларнинг ижросини таъминлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Қонунчилик ташаббуслари, парламент назоратини ташкил этиш, депутатлик сўровларини ўтказиш ва шу каби бошқа ваколатларимиздан унумли фойдаланган ҳолда сайловчиларга берган ваъдаларимизнинг устидан чиқишга интилиш зиммамиздаги масъулиятли вазифадир. Халқ вакили деган номга муносиб бўлиш учун қонун ижодкорлиги жараёнида партия позицияси, сайловчиларнинг талаб ва истакларини рўёбга чиқаришга интилишимиз керак бўлади. Зеро, халқ вакили сифатида уларнинг манфаатларини қонунчилик ташаббуслари, назорат-таҳлил фаолияти орқали ҳимоя қилишга эришишимиз мумкин. Шундай экан, фракциямизнинг ҳар бир аъзосини фаолликка, ташаббускорликка, келгуси беш йилда ҳам фидойилик билан фаолият кўрсатишга чақираман, — деди фракция раҳбари.

Дарҳақиқат, аҳоли манфаатлари ва фаровонлигига, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи мукаммал қонунларни ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви органлари томонидан қонунчилик талабларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш кўп сонли сайловчиларнинг ишончини қозониб, халқ вакили сифатида Қонунчилик палатасига сайланган фракциямиз аъзоларининг кундалик фаолиятидаги энг муҳим вазифаси бўлиши керак. Бу борада Президентимиз маърузасида депутатлар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини, ташаббускорлигини ошириш, қонун лойиҳалари муҳокамаси жараёнларида фракцияларaро соғлом рақобат, ғоялар ва дастурлар кураши бўлиши зарурлиги таъкидланди.

4-бет

◉ Сайлов — 2015

## Хорижий давлатларда 44 сайлов участкаси тузилди

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.***

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов участкалари асосий мезон — сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш ҳисобга олинган ҳолда тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги Ташқи ишлар вазирлигининг таклифини кўриб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 44 та сайлов участкасини тузиш ҳамда уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур участкаларда сайловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда мурожаат қилган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилик талаблари инобатга олинган ҳолда сиёсий партиялар томонидан тақдим этиладиган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ишчи гуруҳлари тузиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси имзо варақаларининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосаларини белгиланган муддатда беришдан иборат.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

◉ Миллий ғурур

## Ватанга хизмат — энг муқаддас бурч

5-бет




◉ Конференция

***Сайлов, энг аввало, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки, ўз хоҳиш-истакларини амалда тўла намоён этишлари учун кенг имкониятдир. Бу аҳоли онгида мамлакатнинг эртанги куни учун масъулият туйғусини уйғотади. Шунинг учун ҳам сайлов фақат сиёсий жараён бўлибгина қолмай, ижтимоий жиҳатдан халқнинг бир ёқадан бош чиқариши, ҳал қилувчи паллада бир тан бир жон бўлиб ҳаракат қилиши йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.***

## Пухта тайёргарлик кўрилмоқда

3-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



⊙ Ўқув-семинар



# Дастуриламал маърузадан муҳим хулосалар чиқарилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан ташкил этилган "Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси — партия ташкилотлари ва фракцияси фаолиятининг дастуриламали" мавзусидаги ўқув-семинар ҳам ана шу мақсадга қаратилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари иштирок этган семинарда Президентимиз маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва фракциясининг келгуси фаолиятининг устувор йўналишлари муҳокама этилди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим дастур вазифасини ўтайди. Давлатимиз раҳбари парламент ва сиёсий партиялар фракциялари фаолияти юзасидан танқидий-таҳлилий фикрлар билдирди. Олий Мажлис фаолияти бугунги давр талаблари нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилиб, парламентнинг янги вакиллари олдида турган устувор ҳамда масъулиятли вазифалар белгилаб берилди. Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда барча соҳаларни демократик асосда ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда қонун чиқарувчи олий орган — парламент алоҳида ўрин тутмоқда. Парламент ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, унинг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган депутатларнинг профессионал малакаси ҳамда масъулиятини ошириш Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидланди. Давлат раҳбари томонидан билдирилган танқидий фикрлар асосида партиямиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимизнинг бутун фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, олдимизда турган зарур чора-тадбирларни белгилаб олишимиз лозим.

Партия етакчиси Президентимизнинг дастуриламал маърузасида белгилаб берилган асосий йўналиш ва вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил тўхталди. Таъкидландики, бугунги замон олдимизга қўяётган долзарб талабларни, зиммамизга юклатилган муҳим вазифаларни амалга оширишда масъулиятли, ташаббускор бўлиш лозим. Қонун ижодкорлиги жараёнида партия позицияси ва ижтимоий қатлам манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига эътибор қаратиш, қонун лойиҳалари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришда фракция аъзолари фаол бўлиши талаб этилади.



Халқ вакили бўлган депутатлар қонун лойиҳасига мамлакатимиз ва сайловчилар манфаатини кўзлаган ҳолда ёндашиши лозим. Қонун лойиҳалари муҳокамасига эксперт ва мутахассисларни жалб этиб, аҳоли таклиф-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда маромига етказиши зарур. Президентимиз таъкидлаганидек, қонунларни хорижий тажриба билан солиштириш, қиёсий таҳлил қилиш борасида, айниқса, бизнинг партиямиз вакиллари ташаббускор ва фаол бўлиши керак. Боиси, халқаро тажрибани ўрганганда миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан қараш, миллий хусусият ва анъаналаримизни, албатта, инобатга олиш ЎзМТДП дастурий мақсадларига муштаракдир. Кўппартиявийлик тизими ривожланиб бораётган мамлакатимизда партиямизнинг етакчи кучга айланиши учун ҳамиша ташаббускор бўлиш талаб этилади, — деди пировардида партия етакчиси.

Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, "ЎзМТДПнинг сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмлари" мавзусида партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилди:

— Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона анъаналарни тиклаш каби мақсад-вазифаларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Бу жараённи сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган муҳим вазифалар саналади. ЎзМТДПнинг ана шундай мақсад-вазифаларини ўзида мужассамлаштирган сайловолди Платформамиз сайловда эришилган натижаларда муҳим омил бўлди. Сайловолди Платформанинг ҳар бир йўналишида белгиланган долзарб вазифалар партия ижтимоий қатлами ва электорати манфаатларига мутаносиблиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, партиямиз томонидан илгари сурилган "Юксак маънавият — енгилмас куч" эзгу ғояси кўп сонли сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Олдимизда турган муҳим вазифа партия Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад-вазифаларимизни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларни ғояларимиз ортидан эргаштира олишдан иборат бўлмоғи лозим. Сайловолди Платформасини амалга оширишнинг муҳим механизмлари бу — Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда марказий ва ҳудудий партия ташкилотларидир. Яъни фракциямиз аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида мақсад-вазифаларимизнинг ҳаётга татбиқ этилишига эришса, партия гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига ижтимоий қатлам манфаатларига оид ташаббус-масалалар киритиш орқали мақсадларимиз рўёбига хизмат қилади. Партия ташкилотлари эса тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув-семинар, давра суҳбати ҳамда таъсирчан ва самарали тадбирлар воситасида ғояларимиз тарғиботини амалга оширадилар. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг етакчи куч бўлиши, аъзоларимиз сонининг кўпайиши келгуси фаолиятимизнинг тўғри ва самарали ташкил этилишига боғлиқ. Шундай экан, партиямизнинг ҳар бир бўғини, депутатлик бирлашмаларимиздан қатъиятлилик, ташаббускорлик, изланиш ва янгиликка интилиб яшаш талаб этилади.

Семинарда иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида Президентимизнинг қўшма мажлисдаги маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ЎзМТДП келгуси фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Унда ЎзМТДП фракцияси ҳамда партия гуруҳларининг келгуси фаолиятида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда қонун ташаббускорлигига жиддий эътибор қаратиш, қонун нормаларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, қонунларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ўрганиб, назорат-таҳлил ишларини мунтазам олиб бориши зарурлигига эътибор қаратилди.

***Алишер ҚОДИРОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун фракцияларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланишида, жойларда партия гуруҳларининг ўрни ва ролини ошириш, кўппартиявийлик тизимининг ривожланишида ҳуқуқий асос бўлмоқда. Фракциялар ва депутатлар ўртасидаги баҳс-мунозара, дастурлар, ғоялар ва электорат манфаатлари ҳимояси учун кураш тобора кучайиб бораётгани мамлакатимизда демократиянинг ривожланаётганидан далолатдир. Бу жараённи янада юқори поғонага кўтариш ва ривожлантириш биз, янги сайланган депутатларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида халқ вакили курашчи бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, депутатлик фаолиятимиз давомида бизга овоз берган, бизни қўллаб-қувватлаган сайловчи ва электоратимиз вакилларининг манфаатларини, партиямиз дастурий вазифаларини қонунларимизда ифодалашимиз керак. Мавриди келганда айтиш ўринлики, ЎзМТДП томонидан илгари сурилган ғоя ва мақсадлар кўп сонли сайловчиларнинг дилидаги гаплар эканлигига улар билан учрашувлар мобайнида яна бир бор амин бўлдик. Айниқса, юксак маънавиятли, ўз тарихи, ўтмишини билган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмаслигини тушунган фуқароларимиз маънавий, миллий тикланиш масалаларини илгари сурган партиямизга хайрихоҳлик билдиришди. Демак, сайловолди Платформамиздаги миллат тақдирига дахлдор мақсад-вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш орқали халқимиз ва ватанимиз манфаатларига хизмат қилган бўламиз.

***Мунира ҚОРИЕВА,***
***халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***



— Давлатимиз раҳбарининг маърузасини тинглаб, депутатлик фаолиятим учун зарур бўлган хулосаларни белгилаб олдим, халқ манфаати депутат ҳаёти ва фаолиятининг мезонига айланиши лозимлигини янада чуқурроқ англадим. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда фуқароларни ўйлантираётган масалалар билан қизиқиши, уларни атрофлича ўрганиб, тегишли давлат бошқаруви органларига депутатлик сўрови юбориши, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитишда ҳамиша ташаббускор бўлиши лозим. Маърузада бу борада етарлича саъй-ҳаракатлар амалга оширилмаётгани танқид қилинди. Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти юзасидан билдирган танқидий фикр ва хулосалари депутатларни фаолликка, изланишга, ташаббускорликка ундади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

⊙ Бугун

# Сайловчи имзоси

## партиямизни сиёсий жараён иштирокчисига айлантиради

***Жорий йилнинг 29 мартида мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Бугун ана шу жараёнга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Барча сиёсий партия қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Президент сайловида муносиб иштирок этиш учун ҳозирлик кўраётир. Айни кунларда партия ташкилотларида сайловчилар имзоси тўпланмоқда.***

— Бугунги кунда имзо тўплаш жараёни жадал олиб борилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда сайловчилар имзосини тўплаш ишлари давом этмоқда, — дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Бувайда туман "Бештерак" ҚФЙ раиси Иззатулла Эназаров.

Имзо тўплаш жараёни сиёсий партиялар учун сайловдан олдинги энг катта сиёсий имтиҳонлардан бири. Чунки партиянинг сайловда иштирок этиш масаласи имзо варақалари сонига боғлиқ. Миллий қонунчиликка биноан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи мамлакатимиз жами сайловчиларининг камида беш фоизининг имзосини тўплаши шарт. Бундан ташқари, қонунда имзолар юртимизнинг камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилмасидан йиғилиши белгилаб қўйилган. Қонунчиликдаги мазкур меъёр сайловнинг очиқ-ошкора, тенглик ва транспарентлик руҳида ҳамда демократик андозаларга мос ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг белгиланган миқдордаги имзо варақаларини йиғиш жараёни партиянинг Навоий вилоят ташкилотларида ҳам изчил амалга оширилаётир. Айниқса, ушбу сиёсий жараёнда туман ва шаҳар Кенгашлари қошидаги бошланғич партия ташкилотлари, партиямиздан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар фаол қатнашмоқдалар.

— Имзо тўплаш жараёнида сайловчиларнинг ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳол, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шаҳло Нарзиева. — Бу фуқароларимизнинг сиёсий онги тобора юксалаётганидан далолат беради. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, имзо варақасини тўлдираётган ҳар бир сайловчи мамлакатимиз келажагига бефарқ эмас. Айниқса, буни сайловда биринчи марта иштирок этаётган ўғил-қизларнинг юз-кўзидан яққол англаш мумкин.

Таъкидлаш жоиз, Марказий сайлов комиссияси берган намунавий имзо варақалари асосида партиянинг барча туман ва шаҳарларида жами 55000 нафар сайловчининг имзосини тўплаш ишлари жадал олиб борилаётир. Имзо тўплашда иш, хизмат, ўқиш ва аҳоли яшаш жойларида сайловолди тадбирлари олиб борилмоқда. Имзо варақаларини тўлдириш жараёнида таълим, фан ва маданият соҳаси ходимлари, ҳунармандлар, ижодкор зиёлилар, ёшлар партиямиз ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ эканликларини намоён этишаётир. Шу билан бирга имзо варақаларини тўлдиришда ҳар бир имзонинг ҳақиқийлигини таъминлаш, битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйиш масаласи партиямизнинг барча вакиллари диққат марказида турибди.

Партиямиз бугун жамиятда ўзининг аниқ ижтимоий қатлами, электорати ва нуфузига эга сиёсий кучга айланди. Буни яқинда парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайлов ҳам яна бир бор исботлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун имзо тўплаш жараёнида ҳам партиямиз электоратининг фаол иштирок этаётгани аҳолининг ЎзМТДПга бўлган ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Партия гуруҳларида

# Аниқ саъй-ҳаракат ва ташаббускорлик

## келгуси фаолиятимиз мезонига айланмоғи лозим

***Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг пировард мақсади — Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдир. 2014 йилда парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий-демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришнинг демократик усули бўлган сайлов натижасида депутатлик бирлашмаларининг янги таркиби шакллантирилди. Бу муҳим жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ҳам муносиб иштирок этди.***

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига партиядан 14 нафар депутат сайланиб, иккинчи ўрин эгалланди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига эса 62 нафар депутат сайланиб, Арнасой, Пахтакор, Жиззах, Зомин, Фориш, Янгиобод ва Жиззах шаҳар Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилди. Халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги мавжуд 21 ўриндан 8 таси, Жиззах шаҳар Кенгашидаги 30 ўриндан 9 тасини ЎзМТДП номзодлари эгаллагани ижобий ҳол. Вилоятда ЎзМТДПдан сайланган жами депутатларнинг 21 нафарини хотин-қизлар ташкил этаётгани уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги ортиб бораётганидан далолат.

Кўп сонли сайловчилар ишончини қозониб, сайланган депутатлар олдида ЎзМТДП дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларининг бажарилишида фаоллик кўрсатиш, тегишли идора ва мансабдор шахсларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мурожаатлар билан чиқиш, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига ташаббус-масалалар киритиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, депутатлик сўровлари, депутатлик назоратини олиб боришдек масъулиятли вазифалар турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда партия гуруҳлари аъзоларига ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси амалий тавсиялар бериб, зарур услубий ёрдам кўрсатмоқда.

Мазкур сайловда қўлга киритилган натижаларни 2009 йилги сайлов натижалари билан солиштирганда, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши фаолиятида ижобий кўрсаткичларга эришилгани аёнлашади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги деярли барча депутатлик ўрнига партиямиздан номзодлар кўрсатилди. 2009 йилда бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, вилоят Кенгашига 8 нафар ЎзМТДП номзоди сайланган бўлса, 2014 йилда улар сони 6 нафарга кўпайди. Ўтган беш йилда маҳаллий Кенгашларда 52 нафар ЎзМТДП вакили фаолият олиб борган бўлса, бу сафар улар сони 10 нафарга ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида аввалги депутатлар фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, муҳим вазифалар белгилаб берилди. Таъкидланганидек, депутат ўзи сайланган округи ҳудуди доирасидаги ижтимоий муаммоларнинг туб илдизини кўра биладиган, теран англайдиган ва уни ҳал қилиш чора-тадбирларини тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан бамаслаҳат ҳал этадиган, фаол ва ташаббускор шахс бўлмоғи лозим. Жумладан, ҳудудий Кенгашлар депутатлари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқадиган муҳим йўналишлар, шунингдек, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига олиб чиқиши, айрим камчиликларни ҳал этишнинг мақбул ечимларини таклиф этишда фаол бўлиши бугуннинг муҳим талабидир. Ҳар бир ишга, энг аввало, электоратимиз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашиш уларнинг ишончини қозонишга, пировардида партиямиз нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, янги таркибдаги партия гуруҳи аъзоларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

***Турғун ИСКАНДАРОВ,***
***халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Олий Мажлис Сенати аъзоси:***

— Сайлов якунидан келиб чиқадиган хулосалар аҳоли сиёсий онги ва тафаккури юксалаётгани, уларда Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси ортаётганидан далолат беради. Депутат зиммасидаги вазифалар кўламининг кенглиги эса бизни юрт тинчлиги, осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди. Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Сенатининг биринчи йиғилиши, Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисларида бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқ ишончини қозониб, депутат деган юксак номга сазовор бўлган эканмиз, ана шу ишончни оқламоқ учун фаол ҳаракат қилишимиз лозим. ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари ижросини таъминлаш борасида намунали иш олиб бориш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш, жойлардаги айрим масалалар юзасидан, шу билан бирга электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сессиялар кун тартибига ташаббус-масалалар киритиш каби масъулиятли вазифалар турибди.

***Сабоҳат АБДУРАҲМОНОВА,***
***ЎзМТДП Янгиобод туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати:***

— Депутатнинг эл-юрт манфаати, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги билан боғлиқ асосий вазифаларни теран англаб, фаол иш олиб бориши фуқароларнинг партияга нисбатан ишончини янада мустаҳкамлайди. Шу маънода, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар зиммасида жуда катта масъулият бор. Ҳудудларда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан маҳаллий Кенгашлар депутатлари ташаббускорлигига ҳам боғлиқ.

Яқинда бўлиб ўтган сайловда бор куч ва имкониятимиздан унумли фойдаланишга, туман Кенгашидан муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилдик. Натижада халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги мавжуд 21 ўриннинг 8 тасини партиямиздан кўрсатилган номзодлар қўлга киритди. Сайловнинг умумий натижаларига кўра партиямиз депутатлар сони бўйича туманда етакчиликни қўлга олди. Зиммамизда эса билдирилган ишончни оқлаш, янада самарали ишлаш масъулияти турибди.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Конференция



# Пухта тайёргарлик кўрилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)



Мамлакатимизда жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз иродасини яна бир бор синовдан ўтказади. Ватандошларимиз юртимизнинг порлоқ келажаги, мусаффо осмонимиз, тўкин-сочин дастурхонимизнинг бардавомлиги учун овоз беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Президент сайловига ҳозирлик кўрмоқда. Унда ЎзМТДП фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги янги таркибда сайланган партия гуруҳлари, партиямиз электорати вакиллари ва ёшлар фаол иштирок этаётир. Буни жойларда бўлиб ўтаётган вилоят кенгашлари конференциялари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** ЎзМТДП Тошкент вилояти ташкилоти IV конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Президент сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ чора-тадбирлар хусусида партия раҳбари С.Отамуратов ахборот берди.

Конференцияда Тошкент вилояти партия ташкилотининг сўнгги беш йилликдаги фаолияти танқидий баҳоланди. Партия раҳбари бу ҳақда тўхталар экан, маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг сусткашликка йўл қўйганини таъкидлади. Депутатлар ва сайловчилар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратди.

Йиғилишда ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси М.Назаров партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Бу муҳим сиёсий жараёнда иштирок этиш учун имзо тўплаш ишлари қизғин бормоқда. Унда қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўқув муассасалари ва бошланғич партия ташкилотлари фаол иштирок этаётир. Тадбирда партиямизнинг Тошкент вилоятидаги асосий сифат кўрсаткичлари бўлган аъзолар сони, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ишларини жонлантириш юзасидан фикрлашилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги IV съездига делегатлар сайланди.

**БУХОРО.** ЎзМТДПнинг Бухоро вилоят кенгашида ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ташкилотининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев иштирок этди.

Партиямизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши ҳудудий ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Конференцияда партия вилоят кенгаши девони раҳбари М.Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳозирлик, бу борада партия Марказий кенгаши ишлаб чиққан чора-тадбирлар режаси ижроси ҳақида ахборот берди.

Конференцияда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг IV съездига делегатлар сайланди.

**АНДИЖОН.** ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши конференциясида партия вилоят кенгашининг ўтган беш йил мобайнида эришган ютуқ ва камчиликлари, жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Тадбирда партия Марказий



кенгаши раиси ўринбосари У.Муҳаммадиев иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек, партиямиз ўтган йиллар давомида муайян сиёсий тажрибага, жамиятда ўз ўрнига эга бўлди. Энг асосийси, барқарор электорати шаклланди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови барча сиёсий партияларни яна бир бор синовдан ўтказади.

Йиғилишда ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси К.Отахонов ҳисобот даврида вилоят партия ташкилотининг миллий қадрият, урф-одат, анъаналаримизни асраш, илм-фан, маданият ва спорт йўналишларида амалга оширган ишларига эътибор қаратди.

Конференцияда партиянинг IV съездига делегатлар сайланди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** ҳудудий ташкилотининг навбатдаги конференциясида ҳам 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилотининг иштироки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Марказий кенгаши раиси Б.Матмуратов сўзга чиқди. Йиғилишда конференция кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофлича таҳлил қилиниб, ЎзМТДП IV съездига делегатлар сайланди.

***Алима МАТКАРИМОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш юзасидан амалга оширилган ишлар, миллий сайлов қонунчилигининг умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва демократик андозаларга мос такомиллаштирилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Сайловлар фақат Марказий сайлов комиссияси томонидан мустақил ташкил қилиниши, Ўзбекистонда Президент сайловида сиёсий партиялар учун тенг шароитлар яратилганлиги мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи тўла кафолатланганидан далолат беради.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

# Нуронийлар эъзоз ва эътиборда

***Халқимиз пиру бадавлат отахон ва онахонлар истиқомат қилувчи хонадонларни фариштали уй, деб улуғлайди. Ҳар гал кексалар, нуроний отахонлару онахонлар қўлларини дуога очиб, "Илоҳим, тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик бўлсин!", дея тилак билдираркан, беихтиёр руҳий тетиклик ҳис этамиз, уларнинг борлигига шукрона айтамиз. Чунки ҳар биримиз кунда эшитиб турадиган бу дуоларда халқимизнинг минг йиллик донишмандлиги, эзгу ниятлари мужассам. Зотан, нуронийлар тажрибаси ҳаёт чироғи, қариялар қадр топган юртда эса меҳр-оқибат, қут-барака, тинчлик-хотиржамлик бардавомдир.***

ЎзМТДП Марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда "Уруш ва меҳнат фахрийлари" пансионати ҳамкорлигида "Кексаларни эъзозлаш — миллий қадриятларимиздан бири" мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам моҳият-эътибори билан ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Истиқлолнинг илк йилларидан Юртбошимиз раҳнамолигида отахону онахонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини янада юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим", деган сўзлари барчамизнинг кўнглимиздаги гап бўлди. Бугун нуроний отахону онахонларимиз ўзларига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан, эл-юрт ардоғида эканлигидан мамнун. Бу халқимизга хос эзгу фазилатлар, давлатимизнинг кекса авлод вакилларига бўлган улкан ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Шундан бўлса керак, доимо уларнинг дилларида, тилларида шукроналик, қўллари ҳамиша дуода. Жорий йилда партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокида халқ орасида инсоний фазилатлари ва ахлоқий хусусиятлари билан ўзига хос обрў-эътибор қозонган тажрибали инсонлар, олиму зиёлилар билан ана шундай учрашувлар уюштирилиши белгилаб олинди. Ёшларимиз орасида уларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб-ташвиқ этиш борасида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги кексаларимизнинг дуолари ижобатидир. Бугун юртимизда 225 минг 80 ёшдан, 44 минг 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган нуронийлар, жумладан, улар орасида 3 мингдан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, салкам 70 минг фронт ортида меҳнат қилган инсонлар умргузаронлик қилмоқда. Юртимизда ана шундай мўйсафидлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, боқувчисини йўқотган кексаларга беминнат ёрдам кўрсатиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Жумладан, Президентимизнинг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Партия фракцияси аъзоси Азамат Пардаевнинг айтишича, анъаналар, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказиш, кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва ғояларига уйғун ва ҳамоҳанг. Кексаларни эъзозлаш йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди, ЎзМТДПнинг барча даражадаги депутатлари мазкур йўналишдаги умумдавлат даражасидаги вазифалар рўёбига муносиб ҳисса қўшади.

Тадбирда кўпни кўрган кексалар ва ёшларнинг суҳбати уюштирилди. Пансионат отахону онахонлари ҳамда пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди.

***Асадбек БОБОЖОНОВ, тадбир иштирокчиси, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаоли:***

— Инсон умри оқар дарёга ўхшайди, у гоҳ сокинлашса, гоҳ шиддатли куч-қудратга тўлади. Инсонни ҳаёти давомида амалга оширган эзгу ишлари ва амаллари улуғликка етаклайди. Шу улуғлик умр безагига айланади. Ёшинг бир жойга борганда қилган меҳнатинг қадр топиши, эл-юртнинг ҳурмат-эътиборида бўлиш эса улуғ саодатдир. Юртимизда кексаларга ана шундай эъзозу ҳурмат кўрсатилаётир. Уларнинг ўгитлари, панд-насиҳатлари биз ёшларга чинакам ибрат мактабидир. Тадбирда ҳаётнинг паст-баландини кўрган табаррук отахону онахонларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳаёт йўли, бугунги дориломон кунлар шукронаси, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик, фаровон кунларнинг қадрига етиш лозимлиги борасидаги насиҳатлари биз ёшларни юрт келажагига дахлдор бўлиб яшашга, Ватанимиз истиқболи йўлида куч ва билимимизни сафарбар этишга ундади.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Хроника

# Оиладаги маънавий муҳит

## ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади

### ФАРҒОНА

ЎзМТДП Бешариқ туман кенгаши "Аёллар қаноти" "Аёллар қаноти фаолиятини янада такомиллаштириш: 2014 йил якунлари, эришилган натижа, ютуқ ва камчиликлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда сўз олганлар партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан тарғибот тадбирлари сони ва сифатини ошириш, унинг иштирокчилари фаоллигига, ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, партиямиз электорати бўлган хотин-қизлар, ёшларни ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиш, уларнинг ечими юзасидан юқори партия ташкилотлари, партия гуруҳлари, мутасадди ташкилотларга таклифлар билан чиқиш долзарб вазифадир.

Тадбирда уй бекалари ва вақтинча ишсиз хотин-қизлар, айниқса, ёшларни миллий ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, шу орқали улар бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган янги лойиҳалар ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар билдирилди. Жорий йилда туман Кенгаши "Аёллар қаноти" амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар режаси белгиланди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Оҳангарон туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида "Кексалари эъзоз топган юрт" мавзусида фахрийларнинг ёшлар билан учрашуви ўтказилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш халқимизнинг эзгу қадриятларидан. Кексаларни эъзозлаш йилида бу борадаги ишлар кўлами янги босқичга кўтарилади.

Тадбирда ҳаётнинг пасту-баландини кўрган фахрийлар ва ёшларнинг Ватанга садоқат кўрсатиш, уни кўз қорачиғидек асраш, тинчликнинг бебаҳо неъмат эканлиги хусусида мулоқоти ташкил қилинди.

### НАВОИЙ

ЎзМТДП Қизилтепа туман кенгаши "Аёллар қаноти" "Маънавиятли соғлом оила — ёруғ келажак тимсоли" мавзусида тадбир ўтказди. Тадбирда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни беқиёс экани, бунда оила ва маҳалла институтларининг уйғун ривожлантирилиши муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. ЎзМТДП сайловолди Платформасида оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга кўмаклашиш белгиланган. Зеро, соғлом турмуш тарзи қарор топган оилада соғлом бола вояга етади. Бу эса ёшларни турмушга тайёрлаш, уларни мустақил ва соғлом тафаккурли инсонлар этиб вояга етказиш, уларни зарарли иллатлар таъсиридан сақлаш, маънавий дунёқарашини юксалтириш, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш билан чамбарчас боғлиқ.

Тадбирда оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, асосийси, жамоатчилик назоратини ўрнатишда партия ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш, айниқса, маҳаллаларда саломатлик, бандлик, таълим, оилавий муносабатларга оид айрим масалаларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш зарурлиги айтилиб, бу борада амалий-услубий тавсиялар берилди.

### БУХОРО

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши "Спорт — саломатлик гарови" шиори остида спорт мусобақаси ташкил қилди. Тадбирда бундай спорт мусобақаларини ўтказиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий спорт турларини қайта тиклаш, ёшлар, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш сингари дастурий мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Спорт мусобақаларида ўсмир ёшлардан тузилган "Олимпия", "Бургутлар", "Семурғ", "Чақмоқ" жамоалари тўрт шарт бўйича ўзаро баҳс олиб борди. Қизғин ва муросасиз кечган мусобақаларда "Бургутлар" жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолиб ва иштирокчиларга ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Миришкор туман кенгаши "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ЎзМТДП эътиборида" мавзусида тадбир ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар навқирон авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидандир. Юртимиз таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқ ва марраларимизнинг моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида партия томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга кўмаклашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбати давомида ёшлар онгини эгаллашга уринаётган турли ёт ғоя, диний экстремизм, ақидапарастлик, "оммавий маданият"нинг зарарли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди. Якунда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган "Менинг маҳаллам тарихи" кўрик-танловини ташкил этишга келишиб олинди.

### СУРХОНДАРЁ

Соғлом авлод деганда, аввало, соғлом наслни тушунамиз. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

ЎзМТДП Олтинсой туман кенгашининг "Оналар ва болалар саломатлиги давлат ҳимоясида" мавзусида ўтказган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб она ва бола саломатлиги муҳофазасини таъминлаш, улар ўртасида ўлим кўрсаткичларини камайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг нафақат моддий-техник, балки ҳуқуқий базаси ҳам мустаҳкамланди.

Тадбирда партиянинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, репродуктив саломатликни янада мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш борасидаги ишлари ва истиқболдаги вазифалари муҳокама қилинди. Соҳа мутахассислари ҳамда ёшлар иштирокида эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар, мулоқот ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

**Ш.ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Фракция фаолияти

# Депутат фидойилиги ва ташаббускорлиги

## сайловчи ишончини оқлаш кафолатидир



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган ана шу вазифалар нуқтаи назаридан ЎзМТДП фракциясининг олдида турган масъулиятли вазифалар муҳокама этилди. Сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, халқ вакилларига нисбатан талаблари кучайиб бораётган бир пайтда маърузада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ЎзМТДП фракциясининг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлари самарасини, энг муҳими, мазкур жараёнларда депутатларнинг масъулиятини тубдан ошириш лозимлиги таъкидланди. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, қонун ижодкорлигида хорижий тажрибани ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш ҳамда қонун лойиҳалари мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама этиш масалаларига эътибор қаратилди. Фракция қошида турли соҳа мутахассислари ва олимлардан иборат экспертлар гуруҳини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бу эса ўз навбатида, ҳар томонлама пухта, пишиқ ва ҳаётий қонунлар қабул қилинишига, уларда партия электорати ва ижтимоий қатлами манфаатлари, ЎзМТДП позицияси ўз аксини топишига хизмат қилади.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиш ҳамда партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, сайловчилар билан мунтазам иш олиб бориш масалалари ҳам муҳокама этилди. Фракция раҳбари бу борада муайян тизимни йўлга қўйиш, яъни сайловчиларнинг талаб ва таклифларини, мурожаатларини жамлаб умумлаштирувчи, фракция аъзоларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузиш, ҳар бир депутатни тегишли ҳудудга бириктириш таклифларини илгари сурди. Шунингдек, фракция ҳамда партия гуруҳларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Йиғилишда депутатлар партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қонун ижодкорлигига оид қатор таклифларни илгари сурди.

***Жаҳонгир ШИРИНОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси депутатлик фаолиятимиз давомида алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатларни ўзида яққол акс эттирган дастур бўлди. Уни такрор ва такрор ўқиб-ўрганиб, ўзимиз учун муҳим хулосалар чиқармоқдамиз. Давлатимиз раҳбари, биринчи навбатда, айнан қонун қабул қиладиган олий қонунчилик органи нафақат бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидан, айни пайтда уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукаммал бўлишини таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда айрим қонунларнинг амалга ошириш ижро механизмлари ишлаб чиқилмагани, баъзи ҳолларда эса қонуности ҳужжатлари етарли эмаслиги, айрим қонунларда ўзаро зид келган ҳолатлар ҳам мавжудлиги айни ҳақиқат. Йиғилишимизда Президентимизнинг маърузасида билдирилган танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳаза ҳамда вазифалардан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари ўз таклифларини билдирди. Хусусан, айрим қонунлардаги ўзаро зид келиб қолган ҳолатлар таъкидланиб, уларни тартибга солиш, лозим бўлганда қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ташаббуслар илгари сурилди. Таъкидлаш жоизки, жадал ривожланиб бораётган ҳаётимиз жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, назария ва амалиёт уйғунлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёни самарадорлигига эришишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, биз депутатлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

***Нодиржон МУХТОРОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Мамлакатимизда демократик ўзгариш ва ислоҳотлар жадал суръатлар билан давом эттирилаётган айни пайтда янги таркибда шакллантирилган Қонунчилик палатаси ва ҳар бир депутат зиммасига улкан, залворли вазифалар юкланади. Давлатимиз раҳбарининг қўшма мажлисдаги маърузасида фракциялар ва депутатлар мамлакатимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиши, у ёки бу қонун бўйича позициясини билдириши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятини йўлга қўйиши лозимлиги таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат сифатида миллий тикланиш, "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғояларини рўёбга чиқариш, барқарор миллий ривожланишни, тарихимизнинг кенг миқёсда ўрганилишини таъминлаш лозим. Бу борада Президентимиз Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида алоҳида тўхталиб, бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин тарихимизда рўй берган воқеаларни бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантиришимиз лозимлигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, инсон тарихни билмасдан туриб ўзлигини топиши мушкул. Шундай экан, тарихимизнинг холис ва ҳаққоний тарзда тадқиқ этилиши ва ўрганилишида фракциямиз ташаббускор бўлиши керак. Бунинг учун фракциямиз аъзолари ҳамда олим ва мутахассис экспертлардан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузишимиз, ушбу йўналишдаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунчилик ташаббусларини илгари суришга ҳаракат қилишимиз лозим. Йиғилишда бу бўйича билдирилган таклифларимиз фракциямизнинг иш дастурида ўз аксини топиши келгуси фаолиятимизнинг тизимли ва изчил йўлга қўйилишига, партия позициясининг амалга оширилишида замин бўлади.

***Шерзод РАҲИМОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ислоҳотларнинг муҳим дастури сифатида эртанги кунимизни белгилаб берди. Қўшма мажлисда Президентимиз таъкидлаганидек, Концепция доирасида қабул қилинган 27 та қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги каби қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига сабаб бўлди. Айни кунда депутатлар олдида жамиятимиз ривожи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришдек катта масъулият турибди. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини холисона баҳолаб, амалга оширилган ишларни янада ривожлантириш ва йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш учун биз депутатларга 8 йўналишда устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш депутатлар зиммасидаги муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Албатта, биз депутатлар келгуси фаолиятимиз давомида қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ва фуқаролик институтлари вакиллари иштирокида муҳокама этиб, уларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, маҳаллаларда, таълим муассасаларида, ёшлар ўртасида турли семинарлар, тадбирлар ташкил этишимиз керак. Ҳар бир янги қонунни қабул қилишдан ёки бирор-бир қонунга жамият ривожидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритишдан олдин олимлар ва соҳа мутахассислари фикр-мулоҳазаларини чуқур таҳлил этиб хулоса қилиш, амалиётчилар тажрибасига таяниш ҳаётий қонунларнинг қабул қилинишига замин бўлади. Бу борада ҳар бир депутатдан ижро ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

***Мирзоҳид УБАЙДУЛЛАЕВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Мамлакатимиз парламентида демократик ислоҳотларни ҳаётимизга жорий этиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Бу Президентимизнинг қўшма мажлисдаги маърузасида ҳам эътироф этилди. Ўтган беш йил мобайнида 140 дан ортиқ қонун қабул қилди. Бугунги кунда мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари роли ва ўрнини ошириш, ўз электорати ва сайловчилари манфаатларини қатъий ҳимоя қилишига эришиш лозим. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг роли, партиялараро рақобат, баҳс-мунозараларнинг аҳамияти, депутатлик корпусининг фаолияти борасида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келгуси фаолиятимиз учун зарур хулосаларни чиқардик.

*Йиғилишда Президентимизнинг қўшма мажлисдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида ЎзМТДП фракциясининг иш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда Қонунчилик палатасининг чора-тадбирлар дастури лойиҳаси учун тақдим этишга келишиб олинди.*

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Брифинг

# Сайловга муносиб ҳозирлик

## халқаро стандартлар, сиёсий маданият ифодасидир

***Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган сайловлар юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни муҳим босқичга кўтарилаётганининг ифодасидир. Айни пайтда мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.***

Сайловда иштирок этиш истагини билдирган сиёсий партияларда имзо тўплаш жараёни қизғин тус олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ташкилий тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари учун уюштирилган брифингда шу ҳақда сўз борди.

Унда мазкур округ сайлов комиссияси раиси Жавдот Иноғомов сайлов кампанияси эълон қилинган кундан шу кунга қадар ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳри чегараси доирасида 14-Тошкент шаҳар сайлов округи тузилиб, сайлов комиссияси ва унинг шахсий таркиби тасдиқланди. Шу асосда округ сайлов комиссиясининг иш режаси тузилиб, 653 сайлов участкаси ташкил этилди. Комиссия аъзоларининг навбатчилиги йўлга қўйилган. Округ сайлов комиссияси аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини назорат этиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туманларга бириктирилган. Бу эса тобора яқинлашаётган муҳим сиёсий тадбирнинг юксак савияда ўтказилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сайловчиларни сайловолди тадбирлари билан кенг хабардор этиш мақсадида сайлов участкаларининг ҳудудий чегаралари жойлашган манзили тўғрисидаги маълумот, комиссия таркиби Тошкент шаҳри ҳокимлиги муассислигидаги газеталар ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёнини ёритиш бўйича Тошкент шаҳар матбуот маркази ташкил этилди. Мамлакатимизнинг миллий сайлов қонунчилигига биноан округ сайлов комиссияси учун ажратилган бино ва хоналар барча зарур жиҳоз ва қонун ҳужжатлари тўпламлари билан таъминланган.

**Умида УЗОҚОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Қонунга шарҳ

# Биржалар фаолияти

## соҳани тартибга солиш асослари янада такомиллашди

***Бозор муносабатларининг ривожланиши биржалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлиги билан узвий боғлиқ. Биржалар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда 2014 йил 12 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрири) муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қонун матбуотда расмий эълон қилинган кундан (2014 йил 13 сентябрь) эътиборан олти ой ўтгач кучга кириши белгиланган. Ушбу қонун биржаларнинг ташкил этилиши ва улар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Унда биржа қоидалари янада мустаҳкамлангани алоҳида эътиборга молик.***

Биржа — юридик шахс. Улар томонидан муайян товар сотувга қўйилиб, бундай савдолар ошкора ва оммавий тарзда ўтказилади. Мазкур тадбирларни ташкил этишнинг энг муҳим жиҳати уларнинг олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда ўтказилишидир.

Биржа қоидалари асосида бундай савдоларнинг ташкил этилиши улар фаолияти муайян тартиб-таомилда амалга оширилишидан далолат беради. Бундай савдолар талаб ва таклифни бир жойда тўплаш баробарида муайян товарларнинг баҳосини тез ва аниқ белгилаш имкониятини яратади. Товарлар савдосини амалга ошириш жараёнида бозор конъюктураси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имкони пайдо бўлади. Биржадаги товарлар савдоси ҳақида аниқ ахборотга эга бўлиш, ўз навбатида, қатъий ҳисоб-китоб қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишга йўл очади. Қолаверса, биржа бозори мувозанатини белгилаш, савдо иштирокчиларини товар ва унга нисбатан талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотлардан хабардор қилиб бориш учун кенг имконият яратади.

Янги қонуннинг 3-моддасига асосан биржа — муайян вақт, олдиндан белгиланган жой ва қоидалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс ҳисобланади. Биржалар фақат акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади. Улар ўз фаолиятини товар, хомашё, фонд ва валюта биржаси турида амалга оширади. Қонунга мувофиқ биржа акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи биржанинг бошқарув органлари саналади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши биржанинг кузатув кенгашини сайлайди. Биржа кенгашининг ваколатлари биржани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, биржа савдоси қоидаларини тасдиқлаш, биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш ва биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш каби вазифалардан иборат. Биржанинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш унинг уставида белгиланадиган ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг янги таҳририда биржанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, котировкалаш, арбитраж, листинг, назорат ва бошқа биржа комиссияларини ташкил этиш, агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий микдордан ўзгариб кетса биржа савдоларини тўхтатиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ танлов, кимошди, кўргазма-ярмарка савдоларини, давлат ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқариш каби ваколатлар белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 7-моддасида биржа фаолиятининг асосий принциплари атрофлича баён этилган. Улар биржа савдоларини ўтказишнинг ошкора ва оммавийлиги, нархлар шаклланишининг эркинлиги, битимлар тузишнинг ихтиёрийлиги, биржанинг барча аъзолари учун савдоларда иштирок этишда шароитларнинг тенглиги ва тузилган битимлар бажарилишининг таъминланишини ўз ичига олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ер, ер ости бойликлари, сув ва бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, ишлар ва хизматлар, хусусий белгили ашёлар, кўчмас мулк, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас. Биржа савдолари унинг барча аъзоларига бир вақтда иштирок этиш имкониятини беради, марказлаштирилган тарзда электрон шаклда ўтказилади.

Янги қонуннинг 12-моддасида биржа савдоси қоидалари ҳақида батафсил маълумот берилган. Шунингдек, биржа савдоси қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Белгиланган тартибда савдоларда иштирок этиш, дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар биржа аъзолари ҳисобланади. Биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси дилер, биржа товарлари нархлари, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун ўз зиммасига битимларни тузиш мажбуриятини олган дилер эса маркет-мейкер деб номланади. Мижознинг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан битимларни тузувчи биржа аъзоси брокер ҳисобланади. Шуни қайд этиш лозимки, дилер ва брокер вазифалари биржанинг битта аъзоси томонидан амалга оширилиши ҳам мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас, валюта биржаси бундан мустасно. Биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари (трейдерлар) орқали иштирок этади.

Қонунга асосан, биржа аъзолари биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш, биржа комиссиялари фаолиятида иштирок этиш, биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, биржа томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш, ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Биржа аъзолари биржада ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга ошириши зарур. Энг муҳими, биржа савдолари биржа аъзолари томонидан берилган буюртмалар асосида ўтказилади. Қимматли қоғозларнинг (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) биржа савдолари якунларига нисбатан олинган нархи уларнинг биржа савдолари санасидаги бозор нархи саналади. Биржа битимини рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш биржа савдолари натижалари бўйича ёзма ёки электрон шаклда амалга оширилади. Қимматли қоғозларга доир биржа битимларни ёзма равишда расмийлаштириш талаб қилинмайди. Биржа битимлари нотариал тартибда тасдиқланмайди.

Биржа банкрот деб топилган тақдирда, биржа аъзолари ва мижозларининг биржа ҳисобварақларидаги мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди, биржа битими бўйича мажбуриятлари бажарилганидан кейингина уларга қайтарилиши лозим. Биржа мажбуриятлари бўйича ундирув унинг аъзолари ва мижозларининг мол-мулкига қаратилмайди. Биржа аъзоларининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни бажариш биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондининг пулли ва қайтариб бериш асосида биржа аъзоларига тақдим этиладиган маблағлари орқали таъминланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун воситасида мамлакатимизда биржа ва биржа фаолиятига оид миллий қонунчилик базаси шаклланди. Қолаверса, бугунги кунда биржа савдоларини ташкил этиш бўйича нафақат биржа аъзолари, балки тадбиркорлик субъектлари ҳам муайян амалий кўникмага эга. Биржалар фаолияти бозор иқтисодиёти билан узвий боғлиқ бўлганлиги боис, улар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тадрижий ва объектив жараёндир.

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори**

MILLIY TIKLANISH
5 (326) 2015 йил
4 февраль, чоршанба



Миллий ғурур



ЎзА олган сурат.

# Ватанга хизмат — энг муқаддас бурч

***Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди. Истиқлол фарзандлари — билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, кўзи ёниб турган энг сара ўғлонлар билан миллий армиямиз сафлари кенгайиб бораётгани ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканидан далолатдир.***

Юртимизнинг турли ҳудудларида мавжуд қай ҳарбий қисмга борманг, алпкелбат, мард, жасур ўғлонларнинг ғайрату шижоатига ҳавасимиз келади. Зеро, уларнинг кўзларидан, гап-сўзларидан ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини, Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этаётганидан фахрланиш ҳиссини, ким ва нима учун хизмат қилаётганини англашини илғаш қийин эмас.

### МАҚСАДЛИ ТИЗИМ САМАРАЛАРИ

Бундан 23 йил муқаддам Президентимизнинг ташаббуси ва дадил саъй-ҳаракатлари туфайли ўз миллий армиямиз, Қуролли Кучларимиз ташкил қилингани нақадар оқилона иш бўлганини бугун яна бир бор чуқур ҳис этяпмиз. Буни ҳаётнинг ўзи — бугунгидек таҳликали замоннинг мураккаб манзараси яна бир бор исботлаб бермоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, Президентимиз Ислом Каримов томонидан қабул қилинган илк ҳужжатлардан бири мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий кучларни мустақил Ўзбекистон давлати тасарруфига ўтказиш ҳақида бўлди. Биз бугун бунинг натижаларини кўриб турибмиз: мамлакатимиз замонавий техника воситалари билан қуролланган тезкор ва кучли, жанговар ҳарбий кучларга эга. Ўтган давр мобайнида юртимизда мудофаа соҳасида жиддий ислоҳотлар ўтказилди.

Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг долзарб масалалардан бири — кадрлар масаласи эди. 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ҳарбий таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилина бошланди. Бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти етарли, шу азиз Ватанни кўз қорачиғимдек асраб-авайлайман, деган аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур ҳарбий кадрлар тайёрлашга киришилди.

Ўтган 23 йил Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун янгиланиш, синовлар ва изланишлар даври бўлди, десак янглишмаймиз. Мамлакатимизда қисқа давр ичида ҳарбий соҳада мутлақо янги тизим шаклланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Округлардаги Сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёрланаётган кичик мутахассислар миллий армиямизнинг таянчи ҳисобланади. Бунинг натижасида малакали ўрта бўғин кадрлари камол топди. Айни пайтда ғурур билан айтишимиз мумкинки, тактик маҳорат, тайёргарлик ва шароит жиҳатидан ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияга эгамиз.

Бугун армиямиз нафақат сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли ҳимоячиси, балки ёшларда чинакам ирода ва характерни тоблайдиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар уйғун шаклланадиган ўзига хос мактабга айланди. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётир.

Муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резерви хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди, жанговар тайёргарлигини юксалтирди. Айни пайтда йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчилар уй-жой билан таъминланиб, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

### ҲАҚ ГАП УЧУН "ЖАРИМА"

Собиқ иттифоқ давридаги ҳарбий хизмат, аскарлар ҳаёти ёдга тушса, юрак увишади. Боиси ўша даврларда армияда ҳукм сурган носоғлом муҳит кўпчиликнинг онгида ёмон хотиралар қолдирган. Аскарлар ўртасидаги маҳаллийчилик, жанжаллар, қийин яшаш шароити, оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш, беписандлик, камситиш ва ноҳақлик туфайли гоҳида ҳатто муддатли ҳарбий хизматни ташлаб қочиш ҳолатлари ҳам содир бўлиб турарди.

...1988 йил. Минск шаҳридаги кичик командирлар тайёрлайдиган мактабда ҳарбий хизматни бошлаганмиз. Бу даврда "Пахта иши" деган уйдирма ва бўҳтонлар, мустабид тузум "даҳолари" томонидан Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилиш кампанияси айни авжига чиққан. Рота командирининг ўринбосари капитан Сидоров ҳар бир сиёсий машғулотни Ўзбекистонга юборилган, ўзини "десантчилар" деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга ошираётган кирдикорларини "қаҳрамонлик", йилўн икки ой тиним билмаган пахтакорни эса "жиноятчи" дейишдан бошлайди. Ротадаги жами аскарнинг ўндан бирини ташкил этган биз ўзбекистонликлар капитаннинг вайсашларига тишимизни-тишимизга қўйиб бир-икки кун чидадик. Навбатдаги ўқув машғулотида шарқшуносликка ўқийдиган тошкентлик Алишер жим турмади. Афғонистондаги хизматидан сўнг бу ерга келган капитан Сидоровга қарата: "сен ўзинг, жиноятчисан" деб қолди... Кейинги машғулотдан сўнг "жаримачилар" қаторига алоқа институти талабаси бўлган хоразмлик Қудрат қўшилди. Уларнинг тарафини олганим ўзимга ҳам қимматга тушди...

Бугун эса ҳолат тубдан бошқача. Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароит, имтиёзлар ҳар бир юртдошимиз кўнглида фахр-ифтихор уйғотади. Биргина олий ўқув юртларига қабулдаги имтиёзлар туфайли қанчадан-қанча ҳарбий хизматда чиниққан, соғлом, бақувват ёшларимиз мутахассис сифатида эл-юртга хизмат қилиш орзусига эришаётир. Аскарликка фақат соғлом ва бақувват йигитлар саралаб олинмоқда. Буларнинг ҳаммаси миллий армиямизнинг сифат даражасини яхшилади, ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам бажаришга қодир Қуролли Кучларни шакллантирди. Ҳарбий хизматнинг нуфузини оширди. Бугун ҳар бир ўзбекистонлик ёш йигит Ватан ҳимоячилари сафида бўлишни истайди, орзу қилади.

Зеро, Ватан ҳимояси — эр йигитнинг бурчи.

### ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ МАКТАБИ

Ёшларимиз Ўзбекистонда ҳаётий мақсадларга эришиш учун барча зарур шароит ва имкониятлар мавжудлигига қатъий ишонади. Улар мамлакатимизда қарор топган тинчлик-барқарорликни бу борадаги асосий омиллардан бири деб билади. Қолаверса, замонавий асосларда таълим олиш ҳам бугунги ёшларимиз учун зарур шартлардан ҳисобланади.

Тошкент ҳарбий округи ҳудудидаги ҳарбий қисмлардан бирида ўз йигитлик бурчини ўтаётган жиянимни кўргани борганимизда муддатли ҳарбий хизматчилар билан суҳбатда бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Ҳарбий либос кийиш, Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни адо этиш ҳар бир йигит учун катта бахт, — дейди оддий аскар Ҳумоюн Алламуродов. — Ана шу бахтга муяссар бўлганимдан хурсандман. Зеро, биз мамлакатимиз мустақиллигини, юртимиз тинчлигини асрар эканмиз, ўз уйимизни, оиламизни асраган бўламиз. Ниятим — ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, қўмондонлик берадиган тавсияномага эга бўлиш ва олий ўқув юртига ўқишга кириш.

Қисмда ҳарбийларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш, жисмоний чиниқтириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш уйғун олиб борилмоқда. Ўқув хоналари, машғулот майдонлари, спорт ва тренажёр заллари, кутубхона ва компьютер хоналари, ошхона-ю ётоқхонада аскарларнинг муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўташи учун барча шароит муҳайё қилинган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг бир-бирига ҳурмати, оға-инилардек, қадрдон дўстлардек муносабати кишини қувонтиради.

Ҳарбий қисмда яратилган кенг имкониятлар муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг ҳар томонлама ривожланиши, жисмонан бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, маънан етук инсонлар бўлиб тобланишига хизмат қилмоқда. Бу ерда асосий эътибор аскарларни юқори билимли қилиб тарбиялаш, маҳоратини ошириш, турли ностандарт вазиятларда тезкор, оқилона қарор қабул қила олиш қобилиятини ўстиришга қаратилаётир.

— Армия йигит учун ҳақиқий ҳаёт мактабидир, — дейди катта сержант Фахриддин Одилов. — Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида миллий армиямиз сафларида хизмат қилмоқдаман. Боиси, хизматга келиб, ҳаётга, оилага, эл-юрт тақдирига муносабатим янада юксалди, Ватан тақдири — менинг тақдирим, оилам тақдири эканини англадим. Катта масъулият ва юксак шараф ҳиссини туйдим. Мен шу муқаддас юртнинг посбони эканимдан фахрланаман.

### ЮРТНИ БИРОВ КЕЛИБ ҚЎРИҚЛАМАЙДИ

Модомики, гап ватанпарварлик ҳақида борар экан, шу ўринда дунёнинг баъзи давлатлари қонунчилигига биноан ушбу мамлакатлар Қуролли Кучларига чет эллик фуқаролар ҳам шартнома асосида ҳарбий хизматга кенг жалб этилаётганидан ажабланасан киши. Нима эмиш, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётгани сон жиҳатдан янада кучли армияни шакллантиришни тақозо этаётгани, шу боис шартнома асосида хизмат қилувчи чет эл фуқаролари ҳисобига уларнинг ҳарбий хизматчилари сони истиқболдаги беш-олти йилда янада оширилиши кутилаётгани айтилмоқда.

Айтиш жоиз, ҳозирги глобаллашув жараёнида мафкуравий таҳдидлар таъсирида кўплаб тараққий этган давлатларда оила институти емирилиб бораётгани сир эмас. Туғилиш даражаси йилдан-йилга камайиб, меҳнатга лаёқатли кишилар билан аҳолининг бошқа қатламлари ўртасида жуда катта тафовут пайдо бўлмоқда. Бу пенсия таъминоти, солиқ сиёсати, эмиграция оқими билан боғлиқ бир талай ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқараётир.

Бундай мураккаб вазиятда фақат ўз маданиятини, ўзлигини, тарихини унутмаган халқ тараққиёт сари дадил одимлашини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун жаҳонда кузатилаётган бундай хавотирли ҳолатлар қиёсида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати нақадар тўғри ва асосли эканлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, маҳалла институтини ривожлантириш, соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аслида, биринчи галда сон эмас, сифат муҳим. Ҳар қандай давлатнинг кучқудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас. Мантиққа зидликни қарангки, киндик қони она тупроғига томган, ота-онаси, яқинлари ўз Ватанида эканини англаган инсон қандай қилиб ўзга юрт ҳимоясига отланиши, унинг тинчлиги йўлида жонини тикиши мумкин?! Пулга ёлланган аскарни ўша жойга фақат моддий манфаатдорликдан бошқа яна нима боғлаб тура олади?! Аслида армия ёш авлод учун мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактаби бўлиши лозим эмасми?! Мавриди келганда айтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 154- ва 154-1-моддаларига кўра, мамлакатимиз фуқаросининг моддий манфаатдорлик ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши, чет давлатларнинг ҳарбий хизматига ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

### ТИНЧЛИК — ОЛИЙ БАХТ

Инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир. Бироқ тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бу неъматларнинг барқарор бўлиши учун эзгу мақсадларда собитқадамлик, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитиш, бутун халқни, айниқса, ёшларни осуда ҳаёт қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялаш зарур.

Бугун ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатида аввало, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этади. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш муҳим йўналишлардан биридир.

Шу ўринда яна бир гап. Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, одоб-ахлоқи ва ижтимоий фаоллигини ўрганиш борасида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шундан далолат берадики, мустақиллик йилларида навқирон авлод вакилларида қадриятлар, қизиқиш ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик каби янги устувор йўналишлар шаклланмоқда. Бу уларнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий кайфиятида ўз ифодасини топмоқда. Зеро, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ёрқин, ҳаётий самараларидир.

Оила ва фарзандлар одамларимизнинг ҳаётий позициясини белгилаб берадиган муҳим қадриятлардан. Ҳамюртларимиз учун мустаҳкам ва аҳил оилани шакллантириш, фарзандларга муносиб келажакни таъминлаб бериш муҳим ҳаётий мақсад ҳисобланади. Фарзандларини дунёга келтириб, оқ ювиб-оқ тараб, эзгу орзу-умидларини уларнинг камолотида кўрадиган халқимиз учун Ватан ҳимояси тушунчаси ҳам шунчалар улуғ. Зеро, халқимизнинг туғилиб ўсган юртини она Ватан деб улуғлаши замирида, аввало, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳимоясига камарбаста бўлишдек муқаддас бурч мужассам. Бу муқаддас бурч ҳар бир йигит зиммасига улуғ шараф, катта ишонч ва масъулият юклайди.

**Беҳзод НОРБОЕВ**

Анжуман

# Музейлар — маданият ва маънавиятнинг жонли тарихи

***Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни ўрганиш, юртимиздаги маънавий-маърифий, маданий мерос намуналарини авлодларга бус-бутун етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.***



Бугун дунё музейлари нафақат экспонатлар фонди, балки жамият дунёқараши ва замонавий маданиятнинг лабораторияси сифатида ҳам эътироф этилаётганлиги уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, тарбия ўчоғи сифатидаги ролини оширишни талаб этмоқда.

Хива шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Ўзбекмузей" жамғармаси, Ичан-қалъа давлат музей-қўриқхонаси ҳамкорлигида музейларнинг ривожланиш истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти олим ва тадқиқотчилари, мамлакатимиздаги музейлар директорлари иштирок этган анжуманда иштирокчилар республикамиз ва жаҳон музейшунослигида сўнгги йилларда тўпланган илғор тажрибалар билан таништирилди.

Бугун мамлакатимизда халқимизнинг тарихий, илмий ва маданий мероси, маънавий қадриятларини ўзида асраб келаётган мингдан зиёд музей фаолият кўрсатмоқда. Ушбу музейлар Ватанимизнинг ривожланиш тарихи, халқимизнинг ижтимоий-маданий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос кўзгудир.

Истиқлол шарофати туфайли бу қадимий ва навқирон шаҳарда ҳам музейшунослик ривожланди. Натижада ҳозирда юртимизнинг энг қадимги даврларидан то XX аср бошларигача бўлган тарихини далилий ашёлар орқали янада ёрқинроқ намойиш этиш имкони пайдо бўлди. Ичан-қалъа давлат музей-қўриқхонасига замонавий технологияларнинг кириб келиши бу ерни тарихий обидалар, воқеа-ҳодисалар ёки йирик тарихий шахсларни ўрганиш учун барча маълумотлар мавжуд бўлган асосий марказга айлантирмоқда. Музей-қўриқхонанинг 3D фотоқиёфасини яратиш, Google, Яндекс каби оммавий электрон хариталарда моддий-маданий меросимиз тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни жойлаштириш, инфокиосклар учун маданий мерослар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар жамланган дастурлар яратиш, Ичан-қалъа ҳудудида Wi-Fi зонаси ташкил қилиш, "Google Eaith" да жойлаштириш асосида оптик толали алоқа тармоқлари қуриш каби бир қатор янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланмоқда.

Юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг халқимиз маданияти, санъатига бўлган қизиқишининг ортиб бораётганлиги осори-атиқалардан ташқари турли тарихий-маданий жараёнларнинг лавҳаларини ўзида акс эттирувчи саҳна кўринишларини намойиш қилишни талаб этади. Ичан-қалъанинг Тош-ҳовли саройида доимий фаолият кўрсатувчи либос ва театрлаштирилган томоша, Оллоқулихон ёдгорлигида Худойберган Девонов томонидан қарийб бир аср олдин суратга олинган тарихий кинохроникалар, "Алишер Навоий", "Ўтган кунлар", "Тоҳир ва Зуҳра" каби ўзбек миллий кино дурдоналари намойиши сайёҳлар эътиборини тортмоқда.

— Музейлар тез ўзгараётган оламда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан фақат яшаш учун ҳаётга тайёрлабгина қолмай, балки унинг содир бўлаётган ижтимоий маданий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади, — дейди семинар ишида маъруза қилган музей-қўриқхона директори Ботир Давлетов. — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" жамоат фонди Хоразм вилоят бўлимлари ҳамкорлигида "Музей ва мактаб", "Музей ва маҳалла" мавзуларида Хоразм тарихи, амалий санъати, маҳалла тарихига оид кўргазма ва тадбирлар ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, таълим муассасаларида ўқитилаётган "Ўзбекистон тарихи", "Маънавият асослари", "Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар" фанлари мавзулари бўйича музей-қўриқхонада очиқ дарс шаклида ўтказилмоқда.

Ёш авлодни ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва буюк аждодларимиз меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш музейларнинг муҳим вазифаларидандир. 2014 йилда республикамиз музейларига ташриф буюрган 2,5 миллион кишининг 85 фоизи (2,1 миллион нафари) ни ёшлар ташкил қилгани музейларнинг ёшлар камолотида муҳим аҳамиятга эга эканини билдиради. Музейлар фаолияти нафақат тарбиявий, балки таълимий аҳамиятга ҳам эга. Музейларда ўғил-қизларимиз учун "Ёш ўлкашунос", "Ёш тарихчи", "Ёш табиатшунос", "Ранглар жилоси" каби тўгаракларнинг йўлга қўйилиши кутилган самараларни бера бошлади.

Мазкур семинар ҳам юртимиз музейларидаги бебаҳо ва бетакрор экспонатлар ҳақида кенг маълумот бериш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг миллий меросимизни ўрганишга қизиқишини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Анжуманда жаҳон музейшунослигида қўлланилаётган янги инновацион лойиҳалардан миллий музейшунослигимизда фойдаланиш, музейлар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларда сервис хизматини ривожлантириш мавзуларида маърузалар тингланди.

**Алишер РАҲМОН,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига



# Бебаҳо маънавий мерос

*Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий дунё маънавиятининг беназир сиймоларидан биридир. Зеро, у XV аср ижтимоий-сиёсий, маърифий, иқтисодий, адабий, давлатчилик жараёнида ўзини аямай элу юртни деб жонфидолик билан фаолият кўрсатган кенг қамровли арбобдир.*

Кўпинча адабий гурунглар, шеърият кечалари ёки илмий анжуманларда ёшлар менга: "Устоз, Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Рабғузий, Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи, Гадоий, Атоий, Саккокий, маликул калом Лутфий ўзбек адабий тили, ёзув адабиётининг тараққиёти, шаклланишига улкан ҳисса қўшган. Ҳатто "Муҳаббатнома"нинг тили ҳозирги ўзбек адабий тилига жуда яқин. Аммо, нега ана шу адиблардан бирини эмас-у, айнан Алишер Навоийни ўзбек адабий тили ва классик адабиётнинг асосчиси деймиз?" қабилида савол беришади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий ўзигача бўлган шоирлардан фарқли ўлароқ халқ оғзаки ижоди ва Шарқ шеъриятидаги лирик турнинг ҳамма жанрларида туркий тилда "кўп ва хўп" (Бобур) шеърлар ёзди. Тўрт китобдан иборат "Хазойин-ул маоний" (Маънолар хазинаси) ни ҳамда форсий тилдаги шеърларини жамлаб "Девони Фоний"ни тузди. Натижада, ўзбек бадиий адабиётида туркум девонлар тартиб бериш анъанасини бошлади. Бунгача туркий шеърият майдонида бундай одат йўқ эди. Мазкур девонларда шоирнинг барча жанрлардаги лирик шеърлари жамланган: лирик шеъриятнинг мавзу кўлами, образлар тизими, бадиияти янги чўққига олиб чиқилган.

Қолаверса, Навоийгача Шарқда маснавий — достон яратиш анъана тусига кирган эди. Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий сингари шоирлар анъанавий сюжет, тимсоллар асосида "Хамса" яратиб, улкан санъаткорлар сифатида шуҳрат қозонган. Алишер Навоий ана шу силсила (занжир)ни маҳкам тутиб, давом эттирган ҳолда мазмуни, тузилиши, ғояси, образлар тасвири, бадиийлиги жиҳатидан мутлақо янги "Хамса"ни яратди. Навоийда таомилга кўра баъзи номларгина достонларда айнан сақланган, холос. Улар навоиёна маъно ва моҳият касб этган. Бугина эмас, Навоий беназир шоир Фариддиддин Атторнинг "Мантиқ-ут тайр" (Қуш нутқи) асарига жавобан "Лисон-ут тайр" (Қуш тили)ни ёзди. Демак, шоир туркий тилда биринчи бўлиб "Хамса" битибгина қолмай, балки ахлоқий-таълимий, ишқий, ижтимоий, фалсафий, тарихий, тасаввуфий туркум сюжетли маснавийлар бунёд этиш мактабини ҳам бошлаб берган.

Ўзбек тилида ҳам лирик ва эпик жанрларда шоҳ асарлар яратиш мумкинлигини амалда исботлаб, жаҳон аҳли назаридан ўтказиб, барчанинг эътирофига мушарраф бўлган Навоий масаланинг назарий, сиёсий жиҳатини ҳал қилишга киришиб "Муҳокамат ул-луғатайн"ни ёзди. Рисолада адиб кўплаб мисоллар асосида сўз бойлиги, нафосат ва балоғатда ўзбек тили форсий тилдан асло қолишмаслигини исботлаган. Ҳатто, лексик қатламнинг рангбаранглиги, ифода имкониятларнинг бисёрлиги жиҳатидан туркий тил форсийдан устунлигини, бойлигини аниқ далиллар асосида кўрсата билган. Шу билан бирга у яқин дўсти ва маслакдоши Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўз даврида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига эришган. Демак, Навоий муаммонинг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатини ҳал этган миллат жонфидосидир.

Алишер Навоийгача кўплаб тазкиралар тузилган. Адабиёт назариясига доир, илми аруз ҳақида рисолалар ёзилган. Уларнинг барчаси араб ва форсий тилларда эди. Навоий туркий адабий жараёндаги ана шу кемтикликни тўлдириб "Мезон-ул авзон" (Вазнлар ўлчови) рисоласини, "Мажолис-ун нафоис" (Нафис мажлислар) тазкирасини, "Муфрадот" фардлар рисоласини иншо этди. "Мезон-ул авзон"да муаллиф ўзигача бўлган аруз назариясини янада ривожлантириб, туркий арузнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатган бўлса, тазкиранависликда мутлақо янгича йўл тутди. Салафлари—ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ у барча туркигўй ижодкорлар ҳақида ҳам маълумот бериб, асарларидан намуна келтиради. Айни пайтда, ўзи ижодкор бўлмаса ҳам кўп шеър ёд биладиган, ғазални зўр қироат этиб, теран таҳлил қила оладиган, истиқболи порлоқ шеърият ихлосмандларига ҳам ўрин ажратган. Бу ҳол олдинги тазкираларда кузатилмайди. Демак, Алишер Навоий ўзбек адабиётшунослигининг ҳам асосчиси экан.

Ўн бешинчи асрга қадар ажам ва араб мамлакатларида ислом дини, тасаввуф тарихи, ўтмиш авлиёлар ҳаёти ҳақида бир қанча рисолалар иншо этилган. Аммо уларнинг аксарияти араб, бир қисмигина форсий тилда эди, холос. Навоий туркий тилда "Тарихи мулуки ажам" (Ажам шоҳлари тарихи), "Тарихи анбиё ва ҳукамо" (Пайғамбар ва ҳакимлар тарихи), "Арбаин ҳадис", "Қирқ ҳадис", "Насойим-ул муҳаббат" (Муҳаббат шабодалари) "Маҳбуб ул-қулуб" (Кўнгилларнинг севгани) асарларини яратиб, ўзининг тарихшунос, диний ва тасаввуфий билимлар донишманди эканлигини ҳам намоён этди. Навоийгача бўлган ижодкорларимизнинг аксарияти бир достон ёздилар, ёки бир девон туздилар, холос. Навоий бўлса, Шарқ ижод оламида мавжуд бўлган назм ва насрдаги барча шаклда туркий тилнинг қудратини юксак даражада кўрсата билди. Бир неча шеърий ва насрий шакллар шоир ижоди туфайли туркий халқлар адабиётига кириб келиб анъанавий жанрларга айланди. Энг муҳими, ана шу тенгсиз асарларда ҳамма замонлар учун долзарб бўлган олижаноб, энг аввало инсонпарварлик ғояларини олий даражадаги бадиийликда тасвирлади.

Кўряпсизми, азиз ўқувчи. Алишер Навоий бадиий, илмий, диний, тасаввуфий, ижтимоий, сиёсий, маърифий, тарихий соҳаларда, яъни маънавиятимизнинг барча жабҳаларида беназир фикр юритган, фаолият кўрсатиб, ўзига хос бетакрор янги мактаб яратган даҳо ижодкор экан.

Халқимиз шуҳратини дунёга таратган буюк аждодларимиз бизнинг фахр-ифтихорларимиздир. Айни пайтда уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб этиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳар биримиз, айниқса, ёшлар учун беқиёс аҳамиятга эга.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**

# Нурли сиймолар

**янги авлод нигоҳида**

*Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси, асарларидаги теран ижтимоий фалсафа моҳияти, улуғ шоир ижодининг ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ва самимият туйғуларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёсдир.*

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган "Нурли сиймолар ёш авлод нигоҳида" мавзусидаги давра суҳбатида шу хусусда сўз юритилди.

Тадбирда институт ректори Норбек Тайлоқов мамлакатимизда аждодларимиздан бизгача етиб келган бой маънавий меросни ўқиб-ўрганиш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга бекамукўст етказиш, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг юксак инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарлари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, шоир асарлари инсон қалбини гўзалликка ошно этади, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, бағрикенглик, меҳр ва муҳаббат каби умуминсоний ғоялар тараннум этилади.

— Ҳазрат Алишер Навоий нафақат буюк ижодкор, балки давлат ишларини юритишда ҳам тенги йўқ арбоб бўлган, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик. — Навоий ўз асарларида ҳамма даврлар учун улкан аҳамиятга молик бўлган юксак инсонпарварлик ғояларини катта санъаткорлик билан тараннум этиш баробарида миллий адабиётимизни жаҳон миқёсига олиб чиққан улкан сўз санъаткоридир. Шунингдек, бугунги ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, меҳр-оқибат ҳамда чин инсоний фазилатларни сингдиришда ҳам Навоий ижоди беқиёс аҳамиятга эга. Бугун Москва, Токио, Боку каби шаҳарларда Мир Алишер Навоийнинг ҳайкаллари қад ростлаган, Европа мамлакатларининг кўплаб пойтахт кўчалари, ҳатто мактабларига ҳам улуғ мутафаккир бобомизнинг номи қўйилган. Шоир асарлари дунёнинг турли бурчакларида рус, италян, инглиз, немис, поляк, корейс тилларида ҳануз севиб мутолаа қилинмоқда. Токи инсон барҳаёт экан, Навоий асарларига эҳтиёж ортиб бораверади.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ижросида Алишер Навоий ғазалларига басталанган куй-қўшиқлардан намуналар ижро этилди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Тадбир

*Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Тадбир Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилди.*

# Ёшлар ҳаётида

**маданият марказлари муҳим ўрин тутади**

Анжуманда аҳолини ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, навқирон авлод камолоти учун барча шарт-шароитларни яратиш, чекка ҳудудларда ҳам ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёш ижрочиларни бадиий ҳаваскорлик ва фольклор жамоалари, замонавий студия ва тўгаракларга жалб этиш, ўз иқтидорини намоён этиши учун имкониятларни янада кенгайтириш борасида изчил ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида бу борадаги ишлар кўлами кенгайтирилмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2013-2018 йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатган 1777 маданият уйи ва клублар негизида 894 маданият уйи ташкил этилиб, моддий-техник базаси тўлиқ янгиланади. Уларнинг фаолият кўлами янада кенгайиб, хизмат турлари кўпайтирилмоқда. Шу кунгача барча жиҳозлар билан таъминланган қирқдан зиёд марказ иши йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар уларда бадиий ҳаваскорлик ва халқ ижодиёти, миллий-амалий санъат каби турли йўналишлар бўйича тўрт мингга яқин тўгарак ва студиялар фаолият юритмоқда.

— Бугунги анжуманда соҳа мутахассислари замонавий марказларда ёшларнинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган маданий-маърифий хизматларни кенг йўлга қўйиш борасидаги фикр ва таклифларини билдирди, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази мутахассиси Аброр Мелибоев. — Халқ ҳаваскорлик ижодиёти, миллий амалий санъат, номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрганиш бўйича тўгараклар, ижодий студиялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари фаолият кўрсатмоқда. Спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақа ва танловлар, фото, амалий санъат кўргазмалари ташкил этилади. Шунингдек, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг минифестиваллари, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни акс эттирувчи оммавий театрлаштирилган байрам томошалари, халқ сайилларини ташкил этиш орқали бадиий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Тадбирда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг асосий вазифалари, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, ёшлар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик каби мавзуларда маърузалар тингланди. Асосий маърузалар юзасидан очиқ мулоқот ва савол-жавоблар ўтказилиб, анжуман иштирокчилари учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчиларининг маҳорат дарслари ташкил этилди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Дарднинг давоси бор

**Ошқозон-ичак тракти юқори бўлимлари дисфункцияси билан боғлиқ белгилар: тўш орти ёки эпигастрал соҳадаги оғриқлар, ошқозонда тўлиш ҳисси, жиғилдон қайнаши, кўнгил айниши ва қайт қилиш диспепсия хасталигининг илк аломатлари ҳисобланади.**



Катта ёшдаги инсонларнинг 40 фоизи диспепсиядан азият чекади. Шунга қарамай, 10 бемордан бор-йўғи биттаси шифокорга мурожаат қилади. Касаллик ташқи белгиларга эга эмас. Тўғри ташхис қўйиш учун камқонлик белгилари, эпигастрал соҳа ўсмалари, гепатомегалия ва катталашган бўйин лимфа тугунларидаги ўзгаришларга эътибор берилади. Диспепсиянинг 60 фоизи ярасиз кечади. Кам учрайдиган хилларига — эрозив эзофагит, қизилўнгач инфекциялари (айниқса, иммунтанқислик ҳолатларида) киради. Масалан, функционал диспепсияда қатъий парҳезга амал қилиш шарт бўлмаса-да, тўшости оғриғига сабаб бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларини кундалик таомномадан чиқариб ташлаган маъқул. Муҳими, овқатланиш тартибига риоя этиш ва шу билан бирга яллиғланишга қарши дори-дармонлар қабул қилмаслик лозим. Тамаки чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қатъиян тақиқланади. Бирданига кўп овқат ҳам еб бўлмайди. Руҳий мувозанатни сақлаш, руҳшунос маслаҳатига амал қилиш, вақтида дам олиш, меҳнат таътилига ўз вақтида чиқиш фойдадан холи бўлмайди. Касалликдан тўлиқ фориғ бўлиш учун доимий равишда шифокор-гастроэнтеролог назоратида бўлиш тавсия этилади.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг катта конуссимон маъдан (сталагмит) Куба ҳудудидан топилган бўлиб, унинг баландлиги 67,2 метрни ташкил қилади.

* * *

Буни қарангки, ойда ҳам зилзила рўй бериб тураркан. Олимларнинг фикрича, ойдаги силкинишлар қуёш ва ердаги ўзгаришлар туфайли юз беради. Бундай ҳодиса асосан ойнинг юзаси ва марказида кўпроқ кузатилади.

ТУРФА ОЛАМ

## Қор тозаловчи робот

**Япониялик мутахассислар қорни брикет шаклига келтирувчи робот-фаррош кашф қилди.**



Юки Таро деб аталувчи роботлар шаҳар кўчаларидаги қорни йиғиштиришга мўлжалланган. Улар қорни пресслаб, ўлчами 500х300х120 миллиметр ва оғирлиги 13 килограмм бўлган брикетлар тайёрлайди. Ишланма муаллифларининг айтишича, ундан мамлакатнинг тоғли ҳудудларида, кичик шаҳар ва қишлоқларда фойдаланиш мумкин. Тез-тез ва кўп миқдорда қор ёғиши бу ҳудудларни катта шаҳарлардан узиб қўяди. Бунинг натижасида озиқ-овқат етказиб беришда муаммолар туғилиши, саломатлик билан боғлиқ айрим кўнгилсизликлар юз бериши кузатилади. Айни пайтда роботнинг бир нечта нусхаси яратилган бўлиб, улар синовдан ўтмоқда. Яқин беш йил ичида улар оммавий равишда ишлаб чиқарилади. Оғирлиги 400 килограмм келадиган робот қувватни DC48V батареяси орқали олади. Юки Таро мустақил робот бўлиб, масофадан туриб бошқарилади.

## Янги ибтидоий одам

**Халқаро олимлар гуруҳи бундан бир неча минг йиллар аввал Шарқий Осиё ҳудудида яшаган ибтидоий одамларни аниқлашди.**



Тайваннинг ғарбий соҳиллари яқинидаги Пэнху оролидан топилган қадимги одамга тегишли жағ суяги парчалари тадқиқот учун асос бўлган. Манбада келтирилишича, ушбу жағ суяги тузилишига кўра аввал топилган қадимги суякларга умуман ўхшамайди. Янги турга тааллуқли қадимги суякка олимлар "Пэнху одами" номини берди. "Пэнху одами"нинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг жағ суяги жуда катта ҳажмга эга. Бундай суяк инсониятнинг анча қадимий аждодларига тегишлидир. Олимларнинг хулосасига кўра, янги суяк тури осиёлик энг қадимги одам ёхуд Африкадан келиб қолган ибтидоий одам қолдиқлари бўлиши ҳам мумкин.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони сайлов тарғибот материалларини чоп этиш бўйича тендер эълон қилади.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партия Шаҳрихон туман кенгаши раиси Расулбек Давлатовга падари бузруквори

**ҲАСАНБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 225, Адади — 12948. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД
Навбатчи: Умида УЗОҚОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.50.
ISSN 2010-7714

1 2 3 4 5